Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 30 Август Шанба.
№ 68 (14460)



**Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод ватан қолдирайлик.**

**Ислом КАРИМОВ**

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси тўғрисида

## АХБОРОТ

29 август куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлишган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Сессия иши бошланишидан олдин депутатлар Олий Мажлис депутати Ч.Абдиров хотираси учун бир дақиқа сукут сақладилар.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар мандат комиссиясининг раиси Ш.Мирзиёевнинг маърузасини тинглаб, 27 июл куни янги сайланган Олий Мажлис депутатлари Т.Даминов, С.Хусенов, Х.Дўстмуҳамедов, Н.Аминов,Н.Мўминов, Р.Жумаев, А.Саидов ва Б.Юсуповнинг ваколатларини тўғри деб топдилар.

Депутатлар кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Сессия иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тизимида бўладиган ислоҳот тўғрисидаги нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар Академияси Президенти Т.Жўраев, Учқўрғон туманидаги 20-мактаб директори Ҳ.Қурбоналиев, Тошкент Давлат Университети ректори вазифасини бажарувчи, «Халқ бирлиги» ҳаракатининг раиси Т.Долимов, Самарқанд шаҳар темирйўл тумани халқ таълими бўлими мудири З.Ҳасанова, 1-Тошкент Тиббиёт институти ректори, «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи котиби Т.Даминов, Риштон туманидаги 51-мактаб директори И.Раҳмонов, Косонсой тумани ҳокими Т.Маризаева, «Камолот» жамғармаси Қашқадарё бўлими раиси Б.Юсупов, Боғот тумани ҳокими Ш.Хўжаниёзова, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби А.Жалолов, Хўжайли тумани ҳокими С.Нурхўжаев, Сариосиё тумани ҳокими Қ.Холдоров, парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П.Қодиров Президент ўртага қўйган таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш ғояси қатта сиёсий, иқтисодий ва илмий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистоннинг бутун халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, мамлакат қудратини ошириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик натижаси эканини мамнуният билан қайд этдилар. Нотиқлар бу ҳужжатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни такомиллаштиришга оид бир қанча таклифларни киритдилар. Парламент Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тасдиқлади, таълим тўғрисидаги қонунни қабул қилди ва Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишни топширди.

Сессиянинг биринчи иш куни кечки мажлиси Конституциявий суд раиси, Фуқаролар ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш масалалари бўйича комиссиянинг ишчи гуруҳи раҳбари Б.Эшоновнинг Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури лойиҳаси тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Самарқанд вилояти ҳокими А.Мардиев, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Тил ва адабиёт институти бўлим мудири Х.Ҳамидов, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири, «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси И.Ғафуров сўзга чиққанидан сўнг Дастур тасдиқланди.

Сўнгра депутатлар Миллий хавфсизлик концепциясини кўриб чиқишга киришдилар. Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси Б.Наимовнинг маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори М.Раҳмонқулов,Нукус тумани ҳокими У.Хўжаназаров, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунлар мониторинги институти директори А.Турсунов сўзга чиққанидан сўнг бу ҳужжат ҳам тасдиқланди.

Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А.Йўлдошев сессия иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси божхона кодекси ва бож тарифлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида ахборот берди. Бу икки ҳужжат лойиҳаларини муҳокама қилишда Бухородаги «Пахтасаноатсотиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси М.Умаров, Шеробод тумани қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмасининг бошлиғи Х.Пайғамов, Ўрта Чирчиқ туманидаги темирбетон буюмлар заводи директори В.Халилов,Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича бош тафтишчиси С.Турдиқулов, Нарпай тумани, Бобур номидаги агрофирма раиси С.Ҳабибов иштирок этди. Парламент божхона кодексини тасдиқлади ва бож тарифи тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Т.Файзуллаев Давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Маъруза юзасидан Учкўприк тумани ҳокими А.Йўлбарсов, «Шерободсувхўжаликқурилиш» трестининг бошқарувчиси М.Бойкелдиев, Қизилтепа тумани ҳокими Т.Фатуллаевсўзга чиқди. Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Паркент тумани ҳокими Т.Холтоев, Уйчи туманидаги «Ипакчи» акционерлик жамиятининг раиси Т.Сатторов сўзга чиққанидан сўнг қонун қабул қилинди.

Шу билан Олий Мажлиснинг кечки мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси эртага ўз ишини давом эттиради.

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ IX СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ ноиблари!

Азиз дўстлар!

Олий Мажлиснинг бугунги сессиясида кўриб, муҳокама қилинаётган, ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор.

Фурсатдан фойдаланиб бугунги кун тартибига қўйилган мана шу масалалар бўйича ўзимнинг баъзи фикрларим, мулоҳазаларимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Азиз ватандошлар!

Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий қаҳрамонларидан бирининг: **«Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас»,** дея айтган гапларида элимизга хос катта ҳаётий фалсафа мужассам.

Бу йўқ жойдан пайдо бўлган гап эмас. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: **яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириш, саводини чиқариш, илмли, касбли-ҳунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилиш.**

Бугун ана шундай олижаноб анъаналар қайтадан мустаҳкам қарор топиши ва ривожланиши учун истиқлол шарофати туфайли энг қулай муҳит яратилди. Бу, шубҳасиз, биз ота-оналар ва мустақил, буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар ва масъулият юклайди.

Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳалар жамоатчилигимиз диққат-эътибори марказига ўтмоқда, тарбия соҳаси ислоҳоти бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Сир эмаски, **ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат** нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки **биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.**

Бундай бойликнинг аҳамиятини англаш учун чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М. Скобелев:

**«Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», деб айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қилади.**

Бундай ёвуз қарашларга қўшимча изоҳ беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Лекин улардан керакли хулоса-сабоқ чиқариш учун бугун ҳам кеч эмас.

Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Бу жараёнда охирги йилларда қилган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Мактаб** соҳасида «Таълим ҳақида» Қонун қабул қилдик. 1996-1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди, 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга бориб қайтди.

Жойларда мактабларга ва ўқитувчи мураббийларга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди.

**Ўрта махсус таълим** соҳасида вилоятларда, жойларда бизнес мактаби, кичик ва ўрта мактаб учун касб-ҳунар курсларининг очилиши, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассислик (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва ҳоказо)ларнинг киритилиши эътиборга лойиқдир.

Тошкент, Самарқанд, Урганч, Тўрткўл ва Андижонда банк коллежлари ҳамда Тошкент аёллар коллежи ташкил қилиниши ҳам шулар жумласидандир.

**Олий мактаб** соҳасида тест усули жорий этилишини вилоятлар марказларида педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши ва жойлардаги ўқув юртларига юқори таъсис низоми берилиши ташкил этилган миллий ташкилот ва халқаро жамоалар ҳисобидан чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни ўқишга юбориш йўлга қўйилиши, иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилиши, ўтиш даврида 2 мингдан ортиқ талаба ва мутахассиснинг чет элларда ўқиб келиши, 200 дан ортиқ чет эл мутахассисининг республикамиз ўқув муассасаларига жалб қилинишини қайд этишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Давлат ва ижтимоий қурилиш академияси, Банк ва Молия академияларини ташкил қилганимиз ҳозирданоқ ўз самарасини бераётганини катта мамнуният билан таъкидлашимиз лозим.

«Маҳалла», «Камолат», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид» жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари ҳақида алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бу борада амалга оширилаётган ижобий тадбирларимиз кам эмас.

Аммо ҳолисона баҳо берганда, шуни тан олишимиз керакки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган тадбирларимиз бугун ҳаёт талаб қилаётган натижаларни бераётгани йўқ. **Аввало шуни таъкидлашимиз керакки,** биз эски, шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан ҳали-бери тўлиқ қутулганимиз йўқ.

**Иккинчидан,** барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар, асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас.

**Учинчидан**, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда.

Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими, ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда.

Рухсатингиз билан, азиз дўстлар, ана шу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

**Очиқ тан олиш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор.** Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак.

**Иккинчи масала, аввал айтганимдек, тарбиячи, яъни ўқитувчига бориб тақаляпти.**

Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

**(Давоми 2-бетда)**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларга таълим ва тарбия бериш борасидаги давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:**

**Мадалиева Манзура Абдуллаевна — Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти**

**Саитова Онесия Саитовна — Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғуруқхонасининг гинекология бўлими мудири**

**Умаров Холхўжа Мукаррамович — «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи**

**Қувақов Машарип — Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 26 август.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

**Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан**

**Мусиқа санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:**

**1. Мустафо Бафоевга — 1993—1996 йилларда яратилган «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдан нур» телевизион балетлари мусиқаси ва истиқлолни тараннум этувчи қўшиқлар туркуми учун.**

**2. Анор Назаровга — 1993—1996 йилларда яратилган истиқлол руҳи билан йўғрилган қўшиқлар ва мусиқалар туркуми учун.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 27 август.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ, ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ СОҲАСИДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

**Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан**

**Тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:**

**1. Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров ва Ғайрат Камоловга — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейига ишланган уч қисмли маҳобатли «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» деворий тасвирий санъат асари учун.**

**2. Анвар Илҳомов ва Бахтиёр Раҳмонбердиевга — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи гумбазидаги маҳорат билан бажарилган наққошлик ишлари учун.**

**3. Райимберди Матчоновга — кулолчилик санъати соҳасидаги ишлар туркуми учун.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 27 август.**

## КЕЛГУСИ ЁЗГАЧА

**Республика ёшлари "Камолот" жамғармаси саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё минтақасида биринчи марта "XXI аср бўсағасида" халқаро оромгоҳ қўшни қардош давлатлардан ташриф буюрган иқтидорли ёшларни ўз бағрида қабул қилди.**

**Оромгоҳ Бўстонлиқ туманининг сўлим гўшасида жойлашган бўлиб, ёшларнинг файзли дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд.**

**Ҳафта давомида оромгоҳда илмий-амалий семинарлар ташкил қилинди, таниқли олимлар, мутахассислар билан жонли мулоқотлар уюштирилди.**

**Бугун халқаро оромгоҳнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтади.**

